
Қува тумани ички ишлар бўлими ходимлари ўртасида «Заковат» интеллектуал ўйини ўтказилди.

Айни кунларда Республикамизда ички ишлар вазирлиги тизимида 2 апрелдан 2-майга қадар “Маънавият ойлиги” ўтказилиб келинмоқда.

Мазкур ойлик доирасида Қува тумани ички ишлар бўлими шахсий таркиби иштирокида маънавий-маърифий тадбирлар, спорт мусобоқалари ва турли кўрик танловлар кўтаринки руҳда ўтказилмоқда.

Ички ишлар ходимларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, ички ишлар органлари тизимида «Заковат» интеллектуал ўйинларини ташкил этиш мақсадида бугун тумандаги “Толмазор” тантаналар мажмуасида туман ички ишлар бўлими ходимлари иштирокида “Заковат” интеллектуал ўйини бўлиб ўтди.

Мазкур тадбирда туман ҳокими ва сектор раҳбарлари иштирок этиб жамоаларга омад тилади.

Қизиқарли таассуротларга ва мурасасиз беллашувларга бой тарда бўлиб ўтган мусобоқада ғолиб жамоалар ва фаол иштирокчилар эсдалик совғалар билан тақдирландилар.

2022-04-09 20:29:33